“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ
Бош директори
Р.Р.Усманов

«__» январь 2025 й.

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖда
коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият кўрсатиши тўғрисида
2024 йил учун
УМУМИЙ ҲИСОБОТ

I. ЎзРВБнинг Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури бажарилгани тўғрисида умумий ахборот

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖнинг (кейинги ўринларда – ЎзРВБ) 2024 йил 13 февралдаги 03-14-сонли фармойиши билан тасдиқланган ЎзРВБда 2024 йилда коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар режаси ва ЎзРВБда 2024 йилда ходимларни этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил этиш бўйича дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижроси таъминланиб, тегишли чораклик ҳисоботлар шакллантирилди ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2024 йил 7 июндаги 20-17/181-сонли хатига асосан чораклик ҳисоботлар ва маълумотлар Марказий банкнинг Комплаенс-назорат ва ички аудит департаментига тақдим этилди.

Шунингдек, 2024 йил 9 июль куни ЎзРВБда Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш бўйича дастур тасдиқланди ва мазкур дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг ижроси ўз вақтида, тўлиқ бажарилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги ПФ-200-сон “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгиланган тегишли бандлар ижроси таъминланди.

Хусусан, ЎзРВБнинг 2022 йил 31 мартдаги 12-сонли фармойиши билан тасдиқланган ЎзРВБнинг харид комиссияси тўғрисидаги низоми ва ЎзРВБнинг харид комиссияси аъзоларининг одоб-ахлоқ қоидалари ЎзРВБнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган. ЎзРВБнинг расмий веб-сайтида бўш иш ўринлари ҳамда номзодларга қўйилган талаблар тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилиб борилмоқда.

ЎзРВБнинг расмий веб-сайтида коррупцияга қарши комплаенс бўлими ташкил этилган бўлиб, коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисобот, тайёрланган материаллар ва ўтказилган тадбирлар тўғрисида маълумотлар доимий равишда янгиланиб жойлаштирилиб борилмоқда.

II. Сиёсат ва тартиб-таомиллар

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг тавсияларига асосан ҳамда ISO 37001:2016 коррупцияга қарши курашиш халқаро стандарти талабларидан келиб чиқиб, ЎзРВБда коррупцияга қарши курашиш борасида қуйида келтирилган ички меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган.

Т/р	Ҳужжат номи	Ҳужжат қабул қиланган сана (буйруқ рақами)
1	ЎзРВБнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича Сиёсати	2022 йил 3 февраль 7-сонли буйруқ
2	ЎзРВБда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти	2022 йил 3 февраль 7-сонли буйруқ
3	ЎзРВБда манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом	2022 йил 3 февраль 7-сонли буйруқ
4	ЎзРВБнинг алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти	2022 йил 3 февраль 7-сонли буйруқ
5	ЎзРВБ ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома	2022 йил 3 февраль 7-сонли буйруқ
6	ЎзРВБда контрагентларни текширишга оид Йўриқнома	2022 йил 3 февраль 7-сонли буйруқ
7	ЎзРВБга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича Йўриқнома	2022 йил 3 февраль 7-сонли буйруқ
8	ЎзРВБда коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти	2022 йил 3 февраль 7-сонли буйруқ
9	ЎзРВБда коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом	2022 йил 3 февраль 7-сонли буйруқ
10	ЎзРВБ ходимларининг коррупциявий хатти-харакатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламент	2022 йил 3 февраль 7-сонли буйруқ
11	ЎзРВБ ходимларининг одоб-аҳлоқ ва корпоратив этикаси Кодекси	2022 йил 16-май 56-сонли буйруқ
12	“Одоб-аҳлоқ комиссияси тўғрисида”ги Низом	2022 йил 16-май 56-сонли буйруқ
13	“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида Низом	2024 йил 4-март 32-сонли буйруқ

Шунингдек, ЎзРВБнинг 2022 йил 31 мартдаги 12-сонли фармойиши билан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб, “ЎзРВБнинг харид комиссияси тўғрисида”ги Низом ва “Харид комиссияси аъзоларининг одоб-ахлоқ қоидалари” тасдиқланди ва давлат харидлари тартиб-таомиллари такомиллаштирилди.

III. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш

Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан ЎзРВБда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиётига мувофиқ ЎзРВБ Уставида кўрсатилган хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича коррупциявий хавф-хатарлар таҳлил қилинди.

Таҳлил натижаларига кўра ЎзРВБ Уставида кўрсатилган хизмат кўрсатиш йўналишлари (10 та) ва қўшимча вазифа ва функциялар (5 та) “паст” даражада баҳоланди.

ЎзРВБнинг коррупцияга қарши курашиш дастурида белгиланган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш бўйича коррупциявий хавф-хатари мавжуд таркибий бўлинмаларга тушунтириш ишлари олиб борилди.

IV. Коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган тартиб-таомиллар

4.1. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш

ЎзРВБда манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низомга мувофиқ ЎзРВБ ходимлари томонидан топширилган манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги/мавжуд эмаслиги тўғрисидаги йиллик аризалар таҳлил қилинди.

ЎзРВБнинг жами 57 та ходими (2024 йил 15 февраль ҳолатига) томонидан йиллик аризалар тўлдирилди.

Аризалар таҳлил қилинганда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ҳолатлари аниқланмади. Шунингдек, ЎзРВБ манфаатларига зид келадиган ёки зид келиши мумкин бўлган шахсий манфаатлар тўғрисида хабарлар ҳисобот даврида келиб тушмади.

Шунингдек, ЎзРВБдаги бўш иш ўринларга номзодлар ишга қабул қилинаётганида 11 та номзод томонидан тақдим этилган маълумотлар ўрганиб чиқилиб, номзодлар текширилганлиги тўғрисидаги ҳисоботлар шакллантирилди ва тегишли хулосалар берилди ҳамда ўтказилган текширув ва унинг натижаларига оид маълумотлар ишга жойлашаётган номзодларни текшириш реестрига киритилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш, ўрнатилган талаблар ва механизмларни ЎзРВБда самарали жорий этиш мақсадида ЎзРВБнинг айрим ички меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

4.2. Коррупцияга қарши қоидаларни ЎзРВБ шартномаларига киритиш

Хўжалик шартномалари.

ЎзРВБда давлат харидларини амалга оширишда тузиладиган хўжалик шартномаларига Ўзбекистан Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунининг 46-моддасига асосан харидларни амалга оширишда коррупцияга йўл қўймаслик принципларидан келиб чиқиб, коррупцияга қарши қўшимча шартлар киритилди.

Меҳнат муносабатларини тартибга солувчи шартномалар.

ЎзРВБнинг ходимлар билан тузиладиган меҳнат шартномаларига ходим ўз хизмат вазифаларини бажараётганда коррупциявий ҳатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, шу жумладан ғайриқонуний имтиёзларни олиш ёки бошқача тарзда ғайриқонуний мақсадларда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликлар кўринишида пора таклиф қилмаслик, ваъда бермаслик, пул тўламаслик, товламачилик қилмаслик, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермаслик, пора олмаслик, бирон-бир шахс фойдасига ёки бирон-бир шахс хизматларидан фойдаланмаслик, мол-мулк ёки мулкий ҳуқуқларни олмаслик, ўз ваколатларини суиистеъмол қилмаслик мажбуриятлари киритилди.

Шунингдек, ходим атрофдаги шахслар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этиш ёки унда қатнашишга тайёргарлик кўриш сифатида баҳоланиши мумкин бўлган ҳулқ-атвордан ўзини тийиши ва ходим Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва ЎзРВБнинг ички ҳужжатларига мувофиқ манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишини олдини олиш чораларини кўриши ва манфаатлар тўқнашуви ёки унинг келиб чиқиш эҳтимоли ҳақида ўзига маълум бўлиши билан дарҳол Иш берувчини хабардор қилиши шартлиги ҳамда ходимлар орасида шахсий ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, хизмат мажбуриятларидан четга чиққан ҳолда бошқа ходимларнинг профессионал иш фаолиятига аралашиш, маълумот сўраш ҳамда қарор қабул қилишига

таъсир кўрсатиш ҳолатлари юзага келганда ЎзРВБнинг ички ҳужжатларига мувофиқ дарҳол алоқа каналлари орқали хабар қилиши лозимлиги белгиланди.

Шу билан бирга, агар ходим ЎзРВБнинг бошқа ходимлари томонидан содир этилган ва содир этилиши режалаштирилаётган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги фактларни аниқласа, у ушбу маълумотни алоқа каналлари орқали тақдим этиши шартлиги меҳнат шартномасида белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, агар ходим Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва ЎзРВБ ички ҳужжатларида назарда тутилган коррупцияга қарши талабларни бузган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши белгиланди.

4.3. Контрагентларни текшириш

ЎзРВБда контрагентларни текширишга оид йўриқномага асосан ҳисобот даврида 36 та контрагент бўйича текширув ўтказилди ва 36 та контрагент бўйича ижобий хулосалар берилди ҳамда контрагентларни текшириш реестри шакллантирилди.

4.4. Ишга номзодларни текшириш

ЎзРВБда номзодларни танлов асосида ишга қабул қилиш ва лавозимига тайинлаш бўйича низом ҳамда ЎзРВБга ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома талабларидан келиб чиқиб, 7 та таркибий бўлинмаларга ишга қабул қилинаётган 11 та номзод устидан текширувлар ўтказилди. Мазкур ўрганишлар жараёнида номзодларнинг манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари, аввалги иш жойидаги хулқ-атвори ҳамда коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ маълумотларига эътибор қаратилди.

V. Ходимларни ҳуқуқий онгини ошириш юзасидан ўқитиш ва коммуникация тадбирлари.

ЎзРВБда 2024 йилда ходимларни этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил этиш бўйича дастур тасдиқланган.

Мазкур дастур доирасида ЎзРВБ ходимлари учун ҳисобот даврида коррупцияга қарши курашиш мавзусида жами 11 маротаба давра суҳбатлари ва ўқув семинарлари ўтказилди.

Шу билан бирга, 2024 йил 20 май куни “ZOOM” платформаси орқали “On-line” режимда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти ходимлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2024 йил 3 майдаги 735 сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида ЎзРВБ ходимлар иштирокида коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидаларига оид тартиб-қоидалар юзасидан ўқув-семинар ташкил этилди.

Мазкур тадбирлар бўйича мажлис баённлари ЎзРВБнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-210-сон қарори ижроси юзасидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан Адлия вазирлиги ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси билан ҳамкорликда тайёрланган услубий қўлланма, услубий тавсиялар ва иллюстратив тарқатма материаллар билан ходимлар таништирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси билан ҳамкорликда “Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш” мавзусида ЎзРВБ ходимлари махсус электрон платформа орқали 10 соатлик масофавий ўқув курсида ўқитилиб, курс якунлари юзасидан мавзуга оид тестларда ижобий натижаларга эришиб, уларга электрон махсус сертификатлар тақдим қилинди.

Адлия вазирлиги томонидан “Манфаатлар тўқнашувига оид” ишлаб чиқилган онлайн тест синовлари бўйича ЎзРВБ ходимлари test.adliya.uz сайти орқали тест топширишди.

Шунингдек, ЎзРВБ Бош директорининг ходимлар ва кенг жамоатчилик учун коррупцияга қарши курашишга оид мурожаати ЎзРВБ расмий веб-сайтига жойлаштирилган.

VI. Коррупциявий хатти-харакатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарлар

Ҳисобот даврида ЎзРВБ ходимларининг коррупциявий хатти-харакатлари, манфаатлар тўқнашуви, коррупцияга қарши бошқа қонунбузарликлар билан боғлиқ масалалар тўғрисида ЎзРВБ алоқа каналлари орқали хабарлар келиб тушмади.

Шу билан бирга, номзодларни ишга қабул қилиш, давлат харидлари тартиб-таомиллари жараёнидан қонунбузилиш ҳолатлари аниқланмади.

VII. Мониторинг ва назорат

ЎзРВБнинг 2024 йил 4 мартдаги 32-сонли буйруғи билан ЎзРВБда коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган ходимларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди ва ЎзРВБ ходимлари танишиб чиқишлари учун ЎзРВБ расмий веб-сайтига жойлаштирилди.

2024 йил 27 март куни ходимларни коррупцияга қарши сиёсат ва тартиб-таомилларнинг билишини текшириш учун ЎзРВБнинг барча таркибий бўлинма бошлиқлари коррупция ва уни олдини олиш бўйича тестдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2024 йил 3 майдаги 735-сонли фармойишига асосан 2024 йил 6 майдан 10 майга қадар Марказий банк ходимлари томонидан ЎзРВБда коррупцияга қарши курашиш борасида ишларнинг амалда самарали ташкил этилганлиги юзасидан ўрганиш ишлари амалга оширилди.

2024 йил 30 июлда ЎзРВБ маъмурий биноси мажлислар залида “Ички меҳнат қоидалари” мавзусида ўқув машғулоти ўтказилди.

2024 йил 26 сентябрда ЎзРВБ ходимлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг edu.proacademy.uz платформасида “Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш” мавзусидаги (10 соатлик) масофавий ўқув курси ва кириш-чиқиш тестларида иштирок этишди.

Шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан ўтказиладиган манфаатлар тўқнашувига оид онлайн тестда иштирок этишди.

2024 йил сентябрь ойида ЎзРВБнинг барча ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-210-сон қарорининг 6.1-банди, 2-иловасининг 28 ва 29-бандлари ижроси юзасидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан Адлия вазирлиги ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси билан ҳамкорликда тайёрланган услубий қўлланма, услубий тавсиялар ва иллюстратив тарқатма материаллар билан таништирилди.

VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари

ЎзРВБ ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ҳужжатлари ҳамда ЎзРВБнинг ички меъёрий ҳужжатларини бузиш ҳолатлари қайд этилмаган.

IX. Хулосалар

1) Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг тавсияларига асосан ҳамда ISO 37001:2016 коррупцияга қарши курашиш халқаро стандарти талабларидан келиб чиқиб, ЎзРВБда коррупцияга қарши курашиш соҳасини тартибга солувчи 13 та ички меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

2) ЎзРВБ Уставида кўрсатилган хизмат кўрсатиш йўналишлари ва қўшимча вазифа ва функциялар коррупциявий хавф-хатарлари таҳлил қилиниб, коррупциявий хавф-хатар даражаси бўйича тоифаларга ажратилди. Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси шакллантирилди.

3) ЎзРВБда Ўзбекистон Республикасининг "Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида"ги Қонунини амалга ошириш бўйича дастур ижроси таъминланди.

4) ЎзРВБда манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом талаблари асосида ЎзРВБда манфаатлар тўқнашуви ҳолатларининг ҳисобга олиш реестри шакллантирилди.

5) ЎзРВБда давлат харидларини амалга оширишда тузиладиган хўжалик шартномаларига ҳамда ЎзРВБнинг ходимлар билан тузиладиган меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни назарда тутувчи шартлар киритилди.

6) ЎзРВБда давлат харидларини амалга оширишда ҳамда ишга қабул қилинаётган номзодларни ички меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибда ўрганиш ишлари амалга оширилди.

7) ЎзРВБ ходимларининг коррупцияга қарши курашишга оид билим ва кўникмаларини ошириш, коррупциянинг моҳияти, сабаблари, ижтимоий жиҳатдан хавфли ва зарарли оқибатлари тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш мақсадида мунтазам равишда давра суҳбатлари ва ўқув семинарлари ўтказилди.

8) Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Адлия вазирлиги ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси томонидан тайёрланган услубий қўлланма, услубий тавсиялар ва иллюстратив тарқатма материаллари ходимларга таништирилди.

9) ЎзРВБ ходимларининг коррупция билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган 4 та махсус (расмий веб-сайт, телеграм бот, ишонч телефони, электрон почта) алоқа каналлари ишга туширилди.

Т/р	Алоқа канали тури	Алоқа канали манзили (ҳаволаси)	Ташкил этилган вақти
1	Электрон почта ижтимоий тармоғидаги алоқа канали	(info@uzrvb.uz)	2022 йил
2	Телеграмм мессенжеридаги алоқа канали	(@UZRVB_BOT);	2022 йил
3	Ишонч телефони	(+998 55 501-33-02) ички рақам: 114	2022 йил
4	Расмий веб-сайтидаги алоқа канали	(www.uzrvb.uz)	2022 йил

X. Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси

1. ЎзРВБнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ижросини сифатли ва ўз вақтида ижросини таъминлаш.

2. ЎзРВБда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, манфаатлар тўқнашувининг юзага келишининг олдини олиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишга қаратилган чора-тадбирларни доимий мониторинг ва назорат қилиб бориш.

3. Ходимларни этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини доимий ташкил этиб бориш.

4. Коррупцияга қарши курашиш мавзусида тарғибот материаллари (аннотация, слайд, инфографика) тайёрлаш.

5. ЎзРВБ ходимларини коррупцияга қарши сиёсат ва тартиб-таомилларнинг билишини текшириш ҳамда ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиб чиққанлик даражасини аниқлаш юзасидан тест синовларини ўтказиб туриш.

Коррупцияга қарши ички назорат бўйича масъул ходим **О.Э.Умурзаков**

10-01-2025 йил